

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АСАДОВ НОДИРЖОН ЗОКИРОВИЧ

**СУРУНКАЛИ БУЙРАК ВА ПЕРИФЕРИК АРТЕРИЯЛАР
ИШЕМИЯСИНИ ИНВАЗИВ ДАВОЛАШ ДИНАМИКАСИДА КЛИНИК-
ДИАГНОСТИК АВЖ ОЛИШ МАРКЕРЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Асадов Нодиржон Зокирович

Сурункали буйрак ва периферик артериялар ишемиясини инвазив
даволаш динамикасида клиник-диагностик авж олиш маркерлари..... 3

Асадов Нодиржон Зокирович

Клинико-диагностические маркеры прогрессирования
хронической ишемии почек и периферических артерий
в динамике инвазивной терапии..... 21

Asadov Nodirjon Zokirovich

Clinical and diagnostic markers of progression of kidneys chronic
ischemia and peripheral arteries in the dynamics of invasive therapy..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АСАДОВ НОДИРЖОН ЗОКИРОВИЧ

**СУРУНКАЛИ БУЙРАК ВА ПЕРИФЕРИК АРТЕРИЯЛАР
ИШЕМИЯСИНИ ИНВАЗИВ ДАВОЛАШ ДИНАМИКАСИДА КЛИНИК-
ДИАГНОСТИК АВЖ ОЛИШ МАРКЕРЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib1822 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Даминов Ботир Тургунпулатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шодиқулова Гуландом Зикрияевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Жаббаров Озимбой Отахонович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Оёқлар артерияларининг мультифокал атеросклеротик зарарланишлари ва бунинг оқибатида унинг сурункали ишемияси (ОСИ) ҳозирги кунда замонавий соғлиқни сақлаш тизимининг энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий муаммоларидан бири ҳисобланади. Кўп сонли эпидемиологик тадқиқот натижалари дунёда 200 млн. дан ортиқ одамлар оёқлар артерияларининг атеросклеротик зарарланишларидан азият чекишларини тасдиқлайди. Бутун жаҳонда оёқларнинг сурункали ишемияси учраш тезлиги кенг тарқалиш хусусиятига эга. Америка тадқиқотчиларининг маълумотларига биноан, 60 ёшдан катта бўлган аҳолининг тахминан 20% ихтисослаштирилган хирургик даволашни талаб этадиган даврий оқсоқланиш белгиларига эга. Беморларнинг 50% да касаллик белгиларсиз кечса қолган 40% даврий оқсоқланиш кузатилади. Уларнинг 5-10% да яққол ишемия ривожланади ва доимий ихтисослаштирилган даволаш ҳамда кузатувга мухтож беморлар сони эса тобора ўсиб бормоқда.

Жаҳонда сўнгги йилларда буйракларнинг сурункали касалликлари ривожланишида турли механизмлар (гипергликемия, дислипидемия, ренин-ангиотензин-альдостерон тизимидаги ўзгаришлар, эндотелиал дисфункция, оксидловчи стресс) аҳамиятини ва улар ЮТК ривожланишидаги ўрнини баҳолашга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Кучайишга мойиллик, ногиронликни кўп кузатилиши ва ўлим билан якунланишнинг юқори кўрсаткичлари юрак қон-томир касалликларида (ЮТК) нишон-аъзолар зарарланиши билан кесишадиган кўп сонли хавф омилларининг мавжудлиги муаммонинг ижтимоий аҳамиятини белгилайди. Юқорида келтириб ўтилган патогенетик механизмлар монанд терапия танлашда ва ЮТКда, шу жумладан оёқлар артериялари атеросклерозида (ОАА) буйракларнинг сурункали касаллиги (СБК) ривожланишини олдини олиш ва даволаш тадбирларини такомиллаштириш ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, уни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қатор вазифалар белгиланган «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш, диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»¹ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳолида буйрак касалликларини ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали сурункали буйрак касалликлари билан оғриган беморлар сонини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва техникаси ривожланишининг устувор йўналишларига мос келиши. Ушбу диссертация иши VI «Тиббиёт ва фармакология» бўйича Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мос ҳолда амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Оёқларнинг сурункали ишемиясини ташхислаш ва даволаш борасида қўлга киритилган улкан муваффақиятларга қарамадан, у меҳнатга лаёқатсизлик, ногиронлик ва ўлимга олиб келадиган касалликлар орасида етакчи ўринни эгаллаб, соғлиқни сақлаш тизимининг глобал муаммоси ҳисобланади (Greenwood SA. et al., 2015). Яқинда ўтказилган тизимлаштирилган шарҳ ва метатаҳлилга биноан, оёқларнинг облитерацияловчи атеросклерозида қон оқимини тиклашга қаратилган инвазив аралашувлар буйрак дисфункцияси секинлашишига ҳам олиб келади (Howden EJ. Et al., 2015). Лекин, оёқларнинг сурункали ишемик касаллиги ва буйраклар дисфункциясига мавжуд беморларни кузатиш борасида илмий асосланган кузатувлар ҳозирга қадар кенг қўламда ўрганилмаган.

Шу билан бир сўнги қатор йилларда оёқларнинг сурункали ишемияси ва буйракнинг сурункали ишемик касалликлари орасидаги ўзаро боғлиқлик кўп сонли муаллифлар томонидан жадал ўрганилмоқда (Арутюнов Г.П., 2001; Кобалава Ж.Д. ва ҳаммуал., 2018). Ушбу тадқиқотлар натижалари коптокчалар филтрацияси тезлиги (КФТ)нинг пасайиши тизимли, шу жумладан буйракларнинг бирламчи касалликларига тааллуқли бўлмаган патологик жараёнларда ҳам кузатилади. Маълумки, юрак-томир касалликлари ривожланишининг қатор хавф омиллари буйрак етишмовчилиги хавф омиллари билан умумийдир. Бунда СБКни даволашда қўлланиладиган маълум бир дорилар билан даволаш усуллари облитерацияловчи атеросклероз кучайиш жараёнларида ҳам ижобий акс этиши мумкин. Мос равишда, умумий популяцияда ренал дисфункцияни олдини олиш ва даволашга қаратилган мақбул чора-тадбирларни амалга оширишда буйраклар дисфункциясини эрта аниқлашга қаратилган умумий ёндашишларни ва даволаш тамойилларини аниқлаш ҳозирга қадар долзарблигини йўқотмаган (Мунавваров Б. А., 2020). Юқорида баён этилган муаммонинг аҳамиятлилиги Бутунроссия кардиологлар ва нефрологлар илмий жамияти экспертлари томонидан ишлаб чиқилган «Буйракларнинг функционал ҳолати ва юрак-томир хавфини башоратлаш» миллий тавсияномаларида ҳам акс эттирилган (Е.В. Деева 2018 Р. Е. Калинин 2018, А. Н. Сумин 2020).

Республикамиз олимлари томонидан ўтказилган тадқиқотлар дорилар билан даволаш тамойилларини танлашда, ЮТК мавжуд беморларда

буйракларнинг функционал ҳолатини ҳисобга олиш лозимлигини кўрсатади. Маълумки, уларни даволашда кенг қўлланиладиган ангиотензинни айлантирувчи фермент ингибиторлари (ААФи), ангиотензин II рецепторлари антагонистлари (АРА II) ва кальций каналларини секин блокловчи дори воситалари нефропротектив таъсирга эга. Аммо, бошқа томондан, оёқларнинг сурункали ишемияси мавжуд беморларда буйраклар функционал ҳолати пасайишини етарлича ҳисобга олмаслик келгусида унинг етишмовчилиги кучайишига олиб келиши мумкин. Ушбу муаммонинг аҳамияти буйракларнинг функционал ҳолати ва унинг сурункали касалликлари шароитида юрак-томир хавфини башоратлашга бағишланган тавсияномаларни яратишда жаҳон экспертлари томонидан ҳам акс эттирилган.

Мавжуд, илмий адабиётлар ва ўтказилган тадқиқотларни таҳлил қилиш асосида хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда оёқларнинг сурункали ишемияси кечишида буйраклар дисфункциясини башоратлашнинг аҳамиятига бағишланган кенг қўламли тадқиқотларни амалга ошириш долзарб ва зарурлигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши №01980006703 «Сурункали касалликларни замонавий тасҳислаш ва даволаш самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўллари ишлаб чиқиш» мавзуси доирасидаги Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган (2019-2021 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади: оёқларнинг сурункали ишемик касаллиги мавжуд беморларда унинг артерияларининг атеросклерози ва буйраклар дисфункцияси кучайишининг клиник ҳамда доплерографик маркерларини аниқлаш ва инвазив терапия ўтказилгандан кейин динамикада комплекс даволашни мукамаллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

периферик ва буйрак артерияларининг сурункали ишемияси мавжуд беморларда оёқларнинг сурункали ишемик касаллиги кечиши ҳамда буйраклар функцияси бузилишлари хусусиятларини ўрганиш, уларни кўзишига олиб келадиган омилларни ва буйраклар зарарланишининг эрта белгиларини аниқлаш;

буйрак ва периферик артерияларнинг сурункали ишемияси мавжуд беморларда буйрак артерияларининг эндотелийга боғлиқ параметрларини ҳамда доплерография кўрсаткичларини баҳолаш;

оёқларнинг сурункали ишемик касаллиги мавжуд беморларда амалга оширилган инвазив терапиядан кейин комбинацияда ўтказилган антиоксидант (этилметилгидроксипиридин сукцинат) муолажалар негизида буйракларнинг функционал ҳолати кўрсаткичларини баҳолаш;

буйраклар ва периферик артерияларнинг эндотелийга боғлиқ вазодилатацияси ҳамда доплерографияси кўрсаткичларига фармакотерапиянинг турли схемалари самарадорлигини солиштирма ўрганиш ва олинган маълумотлар асосида оёқларнинг сурункали ишемияси мавжуд беморларни консерватив даволашнинг алгоритмини яратиш.

Тадқиқот объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази давлат муассасасида оёқларнинг сурункали ишемияси сабабли текширишда ва даволашда бўлган 120 нафар беморлар олинган.

Тадқиқот предмети сифатида умумклиник, тўпиқ-елка индекси, оғриқсиз юриш масофаси ўнг елка ва оёқлар артериялари ҳамда буйрак томирлари доплерографияси, қоннинг липид спектри, мочевино ва креатинин кўрсаткичларини, коптокча филтрацияси тезлигини, протеинурия даражасини таҳлил қилиш, сийдикнинг албумин/креатинин нисбатини баҳолаш кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқот усуллари. Диссертациядаги тадқиқотлар биокимёвий, ултратовуш, доплерографик, функционал ва статистик усуллар фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

буйрак ва оёқ томирларини турли даражадаги ишемияси мавжуд беморларда турли хил ифодаланган юрак-томир тизими хавф омиллари аниқланган;

буйраклар дисфункциясини оёқларни сурункали ишемияси билан бирга келиши касаллик кечишини оғирлаштирадиган омил эканлиги кўрсатилган;

ишлаб чиқилган мезонлар негизида периферик артерияларнинг касалликлари мавжуд беморларни даволашда антиоксидант (этилметилгидроксипиридин сукцинат) терапия қўлланилишининг самарадорлиги баҳоланган;

клиник белгилар ва ултратовуш текшириши назоратида буйраклар дисфункцияси билан қўшилиб келган оёқлар сурункали ишемиясини фармакотерапиясининг турли схемалари самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

комплекс баҳолаш мақсадида буйрак дисфункцияси ва периферик томирларнинг қайта моделланиши даражаси орасидаги боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда оёқлар сурункали ишемияси мавжуд барча беморларда буйрак томирларининг доплерографиясини ўтказиш тавсия қилинган;

буйрак ва оёқлар артерияларининг сурункали ишемияси мавжуд беморларда стандарт ҳамда антиоксидант терапия самарадорлигини баҳолаш учун нафақат субъектив балки объектив мезонларни ҳам қўллаш лозимлиги, улар касалликнинг клиник кечишини динамикасини ишонарли баҳолашга ёрдам бериши тасдиқланган;

ҳар кунлик амалиётда инвазив терапия билан бирга антиоксидант дори воситасини қўллаш даволаш самарадорлигини ошириши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ҳамда амалий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг керакли миқдорда эканлиги, етарли даражада материал йиғилганлиги, қўлланилган текширув усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимёвий, инструментал ва статистик усуллар асосида сурункали буйрак касаллиги билан хасталанган беморларда даволашни муқобиллаштиришнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланган,

хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қиёсий таҳлил ўтказиш асосида буйраклар ва оёқлар артерияларининг сурункали ишемияси мавжуд беморларни даволашнинг тавсия этилган усули нафақат атеросклероз, балки бошқа ЮТК ҳамда қандли диабет ривожланишининг хавф омилларини назорат қилиш, шунингдек улар кучайиши ва асоратларини ўз вақтида ташхислаш, бунда оёқ артериялари атеросклерози ва буйраклар дисфункцияси кучайиши ҳақида хулоса қилиш имконини берадиган клиник предикторлар ва ултратовуш маркерлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ташхисий ва даволаш мақсадларида эндотелиал дисфункцияни аниқлаш ҳамда ултратовуш кўрсаткичларини комплекс баҳолаш ёрдамида оёқлар сурункали ишемияси мавжуд беморлар инвазив терапия динамикасида антиоксидантлар тайинлаш алгоритминини қўллаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Сурункали буйрак ва периферик артериялар ишемиясини инвазив даволаш динамикасида клиник-диагностик авж олиш маркерларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган:

сурункали буйрак касаллигида оёқларнинг сурункали ишемияси кучайиши маркерларини ва ҳаёт сифатини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган «Оёқларнинг сурункали ишемияси кучайиши маркерларини ва ҳаёт сифатини баҳолаш» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 28 майдаги 8н-д/171-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали буйрак касаллигида буйрак ва юрак-қон томир тизимидаги ўзгаришлар ва даволашни муқобиллаштириш орқали касаллик асоратларини камайтириш имконини берган;

буйраклар ва периферик артерияларнинг сурункали ишемияси кучайишининг клиник-ташхисий маркерлари баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган «Буйраклар ва периферик артерияларнинг сурункали ишемияси кучайишининг клиник-ташхисий маркерлари» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 28 майдаги 8н-д/171-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада буйраклар ва периферик артерияларнинг сурункали ишемияси кучайишининг клиник-ташхисий маркерларини қўллаш орқали касалликка эрта аниқлаш ва асоратларни олдини олиш имконини берган;

Сурункали буйрак ва периферик артериялар ишемиясини инвазив даволаш динамикасида клиник-диагностик авж олиш маркерларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, академик В.Вахидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, шунингдек «BAHOR NUR (SHOX INTERNATIONAL HOSPITAL)» масъулияти чекланган жамият тиббиёт маркази бўлимлари амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 15 июлдаги 08-20407-сон хулосаси). Олинган илмий

натижалар оёқларнинг сурункали ишемияси мавжуд беморларда буйраклар функцияларини ташхислаш сифатини ошириш ва ушбу тоифадаги беморларнинг ҳаёт сифатини 41% га яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда муҳокама қилинган, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти ҳамда ушбу ишга талаб асослаб берилган, унинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, мазкур илмий ишнинг республика фан - технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб ўтилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Оёқлар артерияларининг атеросклеротик шикастланиш хавфи ва кучайиш омиллари**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ҳамда хорижий адабиётларнинг шарҳи, оёқларнинг сурункали ишемиясини келтириб чиқарувчи омиллар, патогенези ва даволашнинг замонавий усуллари унда фойдаланиладиган дори воситаларининг аҳамияти ёритиб берилган. Сурункали буйрак ва периферик артериялар ишемиясини инвазив даволаш динамикасида авж олишини кўрсатувчи клиник-диагностик маркерларни аниқлаш тўғрисидаги замонавий маълумотлар тақдим этилган, шунингдек, мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишида муаллифнинг ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материали ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот усуллари ҳамда қўлланилган статистик усуллар тавсифланган. Илмий ишда 120 нафар юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ва 2 тип қандли диабет (ҚД₂) оёқларнинг сурункали ишемияси билан кечган беморлар асосий гуруҳни, 20 нафар соғлом кишилар назорат гуруҳи сифатида кузатувга олинган. Уларнинг ҳаммаси Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази давлат муассасасининг интервенцион кардиология бўлимида 2019 - 2021 йилларда шифохона шароитида даволашда бўлишган. Беморларни тадқиқотга қўшишнинг асосий мезони бўлиб даврий оқсоқланиш мавжудлиги ҳисобланган ва бу Фонтейн–

Покровский таснифига (1979) биноан оёқларнинг сурункали ишемиясининг ПА-ПБ даражаларига мос келади.

Буйрак ва оёқ артерияларининг сурункали ишемияси мавжуд кузатувдаги беморларнинг барчасига оёқ артериялари касалликларини ташхислаш ва даволаш тавсияномаларига мос ҳолда стандарт терапия буюрилди. Амалга оширилган терапиядан келиб чиқиб барча текширилган беморлар 2 та гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳни 3 ой давомида стандарт терапия (антиагрегантлар, бета-адреноблокаторлар, статинлар, 3-турдаги фосфодиэстераза ингибитори, ангиотензинни айлантирувчи фермент ингибиторлари (ААФи), секин калций каналлари блокаторлари) ва 2-гуруҳ беморларни медикаментоз даволаш 10 кун давомида элфунат (этилметилгидроксипиридин сукцинат) препаратини вена ичига юбориш ва кейин 3 ой давомида 2 таблеткадан кунда 3 маҳал қабул қилиш билан ўтказилди.

Қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун тадқиқот бошлангунига қадар барча беморларда шикоятларни, касаллик анамнезини, ёндаш касалликларни аниқлаш ва хавф омилларини баҳолаш мақсадида сўровнома ўтказилди. Уларни физикал текшириш ўз ичига умумий кўрик, магистрал артерияларни аускултацияси, пайпаслаш орқали бажарилди.

Тадқиқот услублари.

1. Оғриқсиз юриш масофа (ОЮМ)ни баҳолаш (максимал ўтиладиган масофа, оғриқсиз юриш масофаси, максимал ўтиладиган вақт). Оғриқсиз юриш масофаси 3 км/соат тезликда 10% бурчак остида тердмил-тест ёрдамида аниқланди.

2. Фонтейн–Покровский таснифи (1979) маълумотлари бўйича ОСИ оғирлик даражаси баҳоланди. Оёқлардаги оғриқларнинг сабаби ишемик эканлигини тасдиқлаш мақсадида барча текширилган беморларда тўпиқ-елка индексини (ТЕИ) баҳолаш қуйидаги формула ёрдамида бажарилди: $ТЕИ = АД1 / АД2 \times 100\%$; бу ерда, ТЕИ – тўпиқ-елка индекси; АД1 – шикастланган оёқнинг болдир артерияларида ўлчанган энг паст артериал босим; АД2 – қўлнинг елка соҳасида ўлчанган максимал артериал босим.

3. Эндотелийнинг томир ҳаракати функциясини текшириш. Эндотелиал функция ҳолатини реактив гиперемия синамаси ёрдамида D.S. Celemajer (1992) услуби билан ЕАни доплерография қилиш маълумотлари бўйича амалга оширилди. Ўнг ЕАнинг диаметри ўзгаришлари босқичли тўрга эга чизиқли 7 МГц ли датчик ёрдамида Acuson 128 (АҚШ) ултратовушли тизим билан қуйидаги кўрсаткичлар баҳоланди:

D – ўнг ЕА диаметри, см;

D1 – реактив гиперемия синамасидан кейинги ЕА диаметри, см;

VS – ЕАдаги қон оқимининг систолик тезлиги, м/с;

VD – ЕАдаги қон оқимининг диастолик тезлиги, м/с;

Vmean – ЕАдаги қон оқимининг ўртача тезлиги, м/с;

Эндотелияга боғлиқ вазодилатация (ЭБВД) = $(D1 - D) / D \times 100\%$.

4. Буйрак артерияларини қаршилиги ва томирларда қон айланиш тезлигини аниқлаш мақсадида, даволашни биринчи ва унинг 30, 90 кунлари буйрак томирлари доплерографик текшируви ўтказилди. Буйракдаги қон

оқимини баҳолаш рангли доплерли картирлаш йўли билан «SONOACEX6» (Корея) ултратовушли текшириш аппарати, шунингдек импульс-тўлқинли доплерография ва сканерлаш бурчаги 60° дан катта бўлмаган бурчак остида 3,5 МГц ли секторли датчик ёрдамида амалга оширилди. Ушбу текширув орқали буйрак асосий, сегментар, равоқсимон, бўлаклараро томирларда қон оқими тезлиги ва томир қаршилигини спектрал таҳлил усулида ўрганилди. Бу томирларнинг ҳолати ва берилган даво муолажалари самарадорлигини баҳолашга имкон берди. Буйрак ичи гемодинамикасини ультратовуш доплерография ёрдами билан спектрал таҳлил усулида ўрганилди. Ўнг ва чап буйрак артериялари (БА) кириш соҳаси қуйидагича баҳоланди: - артериал қон оқимининг максимал систолик тезлиги ($V_s \max$); - минимал диастолик тезлик (V_d); буйрак ичи артерияларида: - сегментар (СА) – $V_s \max$, V_d ; - бўлаклараро (МА) – $V_s \max$, V_d ; - равоқсимон (РА) – $V_s \max$, V_d .

5. Қоннинг биокимёвий кўрсаткичларини текшириш. Барча беморларда умумий қон таҳлили (УҚТ), қоннинг биокимёвий таҳлили (БТ), шунингдек коагулограмма асосида унинг лаборатор кўрсаткичларини умумий баҳолаш амалга оширилди. Кузатувдагиларда умумий холестерин ($>5,2$ ммоль/л), паст зичликдаги липопротеидлар миқдори ($>4,8$ ммоль/л – эркакларда, $>3,5$ ммоль/л – аёлларда) қайд қилинди.

6. Буйракларнинг функционал ҳолатини баҳолаш зардобда креатинин (K_p), бир марталик эрталабки сийдикда албумин экскрецияси (микроальбуминурия (МАУ ≤ 300 мг/л), коптокча филтрацияси тезлиги (КФТ)ни ўлчаш орқали амалга оширилди. КФТ ирқ, жинс, ёш, зардобда креатинин даражаси ҳисобга олинган EPI формуласи ёрдамида аниқланди.

$KFT=141 \times (0,993)^{ёш} \times K_p / 0,9 - 0,412$ (оқлар, эркак жинс)

$KFT=149 \times (0,993)^{ёш} \times K_p / 0,9 - 0,412$ (осиёликлар, эркак жинс)

СБК ташҳиси уни ташҳислаш, таснифлаш ва даволаш бўйича KDIGO клиник тавсияномалари асосида белгиланди (2013). Унинг қонда креатинин ва албуминурия даражалари бўйича КФТни ҳисоблаш асосида аниқланди.

Бир марта йиғилган сийдикда албумин/креатинин нисбати (Albumin-to-creatinine ratio, ACR, random urine) аниқлаш. Бу нисбат сийдикнинг бир марталик порциясида албумин концентрациясини (мг) сийдикнинг бир марталик порциясидаги креатинин концентрациясига (г) бўлиш йўли билан ҳисобланади.

7. Бевосита реваскуляризация, тери орқали транслюминал ангиопластика, эндартерэктомия ва профундопластика оёқларнинг сурункали ишемияси мавжуд барча беморларда бажарилди. Ушбу услуб окклюзияга учраган томир зарарланишлари табиатини аниқлаш ва артерияни дезоблитерацияси ҳамда интимани артериал девордан диссекция қилиш (ажратиш) йўли билан уни ўзгартириш учун Innova («GE», АҚШ) ангиографик мослама ёрдамида оёқда қон айланишини компенсациялаш мақсадида амалга оширилди.

«Буйрак ва периферик артерияларнинг сурункали ишемияси мавжуд беморларда буйрак функцияси бузилишининг клиник кечиш хусусиятларини ўрганиш» деб номланган учинчи бобида буйрак ва периферик артерияларнинг сурункали ишемияси билан оғриган беморларда касалликнинг клиник белгиларини СБКнинг турли оғирлик даражасида

ўтказилган клиник-функционал текширув натижаларига кўра баён этилган.

Диссертациянинг **буйрак ва периферик артерияларнинг сурункали ишемияси клиник кўринишларини ўрганиш бобида** беморларни оёқларнинг сурункали ишемияси оғирлик даражаси бўйича тақсимлашда касалликнинг ПА ва ПБ босқичлари орасида ишонarli фарқлар қайд қилинди (1- ва 2-гуруҳларда мос равишда 50,1 ва 50,2% ($p<0,01$). Назорат гуруҳига солиштирилганда оёқларнинг сурункали ишемиясининг ПА ва ПБ босқичлари маълумотларининг аҳамияти юқори ишонarli қийматга эга бўлди ($p<0,01$). Тадқиқот бошланишига қадар оёқларнинг сурункали ишемияси мавжуд беморларда периферик артерияларнинг ишемияси оғирлигига боғлиқ ҳолда ТЕИ кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиш, назорат гуруҳига нисбатан 1- ва 2-гуруҳларда индекснинг ишончли яъни 79,4 и 85,2% га пасайиши қайд қилинди ($p<0,001$).

Беморларни оёқларнинг сурункали ишемиясининг оғирлик даражаси бўйича тақсимлашда (касалликнинг ПА ва ПБ босқичлари орасида) 1- ва 2-гуруҳлари орасида мос равишда 55,3% ва 56,8% га ишончли фарқ аниқланди ($p<0,01$). Шунингдек, назорат гуруҳига нисбатан фарқлар ҳам юқорида қайд этилган гуруҳларга нисбатан юқори ишончли бўлди ($p<0,001$).

Буйраклар дисфункцияси оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда оёқларнинг сурункали ишемияси мавжуд беморларда оғриқсиз юриш масофасининг қиёсий таҳлили ўтказилди. Таҳлил натижаларини кўрсатишича, оғриқсиз юриш масофаси оғирлик даражаси бўйича беморларни тақсимлашда КФТ 60 мл/дақ/м² дан кўп ва у 60 мл/дақ/м² дан кам 1- ва 2-гуруҳларда 64,4 ва 60,8% га ишонarli фарқ қайд қилинди ($p<0,001$).

Буйраклар дисфункциясининг оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда оёқларнинг сурункали ишемияси мавжуд беморларда ТЕИни таҳлил натижалари буйракларнинг сурункали патологиялари бўйича тақсимлаганда: КФТ 60 мл/дақ/м² дан кўп ва КФТ 60 мл/дақ/м² дан паст 1- ва 2-гуруҳларда 64,3% ва 61,3% га ишонarli фарқ қайд қилинди ($p<0,001$).

Буйраклар ва периферик артерияларнинг сурункали ишемияси мавжуд беморларда буйракларнинг функционал ҳолатини ўрганишда оёқларнинг сурункали ишемияси кечиш оғирлигига боғлиқ ҳолда буйракларнинг функционал ҳолати кўрсаткичлари текширилди. Оёқларнинг сурункали ишемияси мавжуд ПБ босқичидаги беморлар гуруҳида зардобдаги креатинин клиренси 54% га ошиши қайд қилинди ва ПА босқичидагига нисбатан ишончли юқори бўлди (мос равишда $111,2\pm 13,3$ мкмоль/л ва $171,2\pm 15,5$ мкмоль/л) ($p<0,01$) ва 36,7% га камайганлиги кузатилди ($p<0,01$).

Оёқларнинг сурункали ишемияси ва буйраклар дисфункцияси бор беморларда сийдик билан албумин ажралиши ва унинг сийдикдаги креатинин даражасига нисбати (ACR) ўрганилганда оёқларнинг сурункали ишемияси мавжуд барча беморларда албуминурия кузатилди. ACR даражаси бўйича беморлар сони қуйидагича тақсимланди: ACR<30(мг/г) 15 (12,5%), ACR=30-300 (мг/г) 53 (44,2%) ва ACR>300(мг/г) 52 (43,3%) нафар.

ОСТ оғирлиги даражаси бўйича текширилган беморларни гуруҳларга ажратиш касаллик кечиши оғирлиги кучайиши билан албуминурия даражаси ошишини кўрсатди. Жумладан, оёқларнинг сурункали ишемиясининг ПА

босқичидаги беморлар гуруҳида $ACR < 30$ (мг/г)га эга 13 нафар (19,7%) беморларда кузатилса, оёқларнинг сурункали ишемиясининг ПБ босқичидаги беморлар гуруҳида ушбу кўрсаткич 2 (3,7%)ни ??? ташкил қилди. ПА гуруҳида албуминуриянинг оғир даражасига ($ACR > 300$ (мг/г)) эга беморлар миқдори, ПБ босқичидаги оёқларнинг сурункали ишемияси бор 31 та беморларга қарши, 21 та (31,8%)ни ташкил қилди.

КФТ даражаси ва оёқларнинг сурункали ишемиясининг клиник кўрсаткичлари орасидаги ўзаро боғлиқликларни ўргандик. Оёқларнинг сурункали ишемияси мавжуд беморларнинг умумий гуруҳида куйидаги аҳамиятли боғлиқликлар кузатилди: КФТ ва қондаги ТГ даражаси ($r = -0,4$; $p < 0,05$) ҳамда ЮЗЛП даражаси ($r = -0,44$; $p < 0,01$) ўртасида, шунингдек КФТ ва оғриқсиз юриш масофаси ($r = 0,48$; $p < 0,01$) ҳамда КФТ ва ТЕИ ($r = 0,59$; $p < 0,01$) манфий ўрта даражадаги корреляцион боғлиқликлар қайд қилинди

Диссертациянинг **бўйрақлар ва периферик артерияларнинг сурункали ишемияси мавжуд беморларда эндотелиал функция ҳолатини баҳолаш бобида** оёқлар сурункали ишемияси мавжуд беморларда СБК кечиш оғирлигига боғлиқ ҳолда ЭБВД ҳолатини ўрганиш, назорат гуруҳи ва РГ синамасида КФТнинг сақланган ва паст қийматларига эга оёқларнинг сурункали ишемияси мавжуд текширилган беморлар орасида ишонарли юқори фарқлар борлигини кўрсатди ($p < 0,001$) (1-жадвал). Олинган маълумотлар СБК кучайиши ЎБА диаметрининг жиддий камайиши билан кечади, бунинг далили сифатида КФТ > 60 мл/дак/1,73м² ва КФТ < 60 мл/дак/1,73м² гуруҳлари орасида ушбу кўрсаткич ишонарли фарқ ($4,22 \pm 0,37$ га қарши $4,34 \pm 0,31$; $p < 0,05$) қилди. КФТ > 60 мл/дак/1,73м² ва КФТ < 60 мл/дак/1,73м² гуруҳлари орасида D1 қийматлари статистик солиштирма даражада бўлди ($p < 0,05$)

1-жадвал

Оёқлар сурункали ишемияси билан касалланган беморларда бўйрақ функционал ҳолатига боғлиқ ҳолда эндотелиал фаолият кўрсаткичлари (M±SD)

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи (n=20)	Беморларнинг умумий сони (n=120)	КФТ > 60 мл/дак/1,73 м ² бўлган беморлар (n=62)	КФТ < 60 мл/дак/1,73 м ² бўлган беморлар (n=58)
D0, мм	5,35±0,27	4,25±0,47***	4,30±0,33***	4,19±0,35***°
D1, мм	5,99±0,32	4,58±0,42 ***	4,63±0,32 ***	4,44±0,44***
ΔD, мм	0,51±0,13	0,35±0,13***	0,34±0,12***	0,25±0,10***°°
ЭБВД, %	14,84±1,2	8,23±2,17***	9,94±1,88***	7,20±1,56***°°

Изоҳ: *** – $p < 0,001$ қиймат назорат гуруҳига нисбатан, ° $p < 0,05$; °° $p < 0,01$ КФТ > 60 мл/дак/1,73м² га нисбатан.

РГ-? синамасидан олдин ва кейин ЎБА-? диаметрининг юқорида кўрсатилган ўзгаришлари, КФТ > 60 мл/дак/1,73м² бўлган гуруҳлар маълумотларига солиштирилганда, КФТ < 60 мл/дак/1,73м² гуруҳидаги беморларда ΔD қийматларининг ишонарли ўзгаришлари сабаби бўлиб хизмат

қилди ($p < 0,01$). СБК кечиши оғирлигига боғлиқ ҳолда ЭБВД таҳлил қилинганда ушбу кўрсаткичнинг 38,05% га ишонарли фарқ аниқланди ($p < 0,001$) ва $9,94 \pm 1,88$ га қарши $7,20 \pm 1,56$ ни ташкил қилди.

Диссертациянинг **буйраклар ва периферик артерияларнинг сурункали ишемияси мавжуд беморларда буйрак артериялари доплерографиясини баҳолаш бобида** буйраклар артериялари доплерографик текшириш натижалари келтирилган. Оёқларнинг сурункали ишемияси билан хасталанган беморлар қон оқими тезлигининг дастлабки кўрсаткичлари билан назорат гуруҳидагилар орасида ишончли фарқ аниқланди. Оёқларнинг сурункали ишемиясида асосий буйрак артериясида қон оқимининг систолик – V_s , см/с, диастолик – V_d , см/с ва ўртача – V_{ave} , см/с тезликларининг жиддий камайиши билан бирга кечди. Назорат гуруҳи кўрсаткичлари ва оёқларнинг сурункали ишемияси мавжуд беморлар маълумотлари орасидаги, мос равишда 28,2%, 57,7% ва 75% ишонарли фарқ бунинг исботи ҳисобланади ($p < 0,001$).

Бўлақлараро буйрак артерияси доплерографияси амалга оширилганда ҳам қон оқими тезлиги пасайишининг шунга ўхшаш қонунияти аниқланди. Назорат гуруҳи маълумотларига солиштирилганда оёқларнинг сурункали ишемияси мавжуд беморларда қон оқимининг систолик, диастолик ва ўртача тезликларининг, мос равишда, 56,3%, 68,49% ва 53,2% га жиддий пасайиши қайд қилинди ($p < 0,001$).

Томир диаметрининг камайиб бориши билан буйраклар артерияларида қон оқими тезлиги пасайишининг кам ифодаланган фарқлари кузатилди. Масалан, равоқли буйрак артериясини доплерографиясида оёқларнинг сурункали ишемияси мавжуд беморларда систолик тезликнинг 28,6% га, диастолик тезликнинг 33,3% га ва қон оқимининг ўртача тезлигининг 21,3% га пасайиши аниқланди ($p < 0,01$).

Қон оқими тезлигининг статистик аҳамиятли камайиши ҳам оёқларнинг сурункали ишемияси бор беморларнинг умумий гуруҳида, ҳам $KFT > 60$ мл/дак/1,73м² ва $KFT < 60$ мл/дак/1,73м² ли оёқларнинг сурункали ишемияси мавжуд беморлар гуруҳларида ҳам буйракнинг асосий ҳамда бўлак артерияларида қайд қилинди ($p < 0,001$). Томир диаметри камайиб бориши билан назорат ва тажриба гуруҳлари орасида статистик аҳамиятли фарқ кузатилмади.

Диссертациянинг **«Буйраклар ва периферик артерияларнинг сурункали ишемияси мавжуд беморларда антиоксидант терапия самарадорлигини баҳолаш»** деб номланган тўртинчи бобида антиоксидант давонинг буйраклар артериялари ва периферик артерияларнинг сурункали ишемияси мавжуд беморларда клиник мезонлар, буйракларнинг функционал ҳолати, эндотелиал фаолият, буйраклар артерияларининг доплерография негизида антиоксидант терапия самарадорлиги натижалари келтирилган.

Буйраклар ва периферик артерияларнинг сурункали ишемияси мавжуд беморларда клиник мезонлар негизида антиоксидант даволаш самарадорлигини баҳолаш. Муолажалар амалга оширилгандан кейин 3 ой ўтиб ОЮМнинг ўртача кўрсаткичи 1-гуруҳда бошланғич даража билан солиштирилганда 41,5% ошди ($p < 0,05$). Бунда ишемиянинг ПА даражасига эга беморларда бу кўрсаткич 46,8% ($p < 0,01$), ПБ даражасида дастлабки

кийматларга нисбатан 39,1% юқори эканлиги аниқланди ($p < 0,05$).

1-гуруҳга солиштириганда, элфунат олган беморларда тадқиқот бошланишидан 3-ой ўтиб жиддий мусбат динамика қайд қилинди ($p < 0,01$). Бунда ушбу гуруҳ беморларда ОЮМ $228,75 \pm 88,64$ дан $375,62 \pm 73,5$ метргача кўпайди ва самарадорлик 64,2% ни ташкил қилди. Оёқларнинг сурункали ишемиясининг ПА даражаси мавжуд беморларда ўзгаришлар яққол ишончли намаён бўлиб ОЮМ $319,0 \pm 66,9$ метрдан $483,25 \pm 71,8$ метргача кўпайди ва 51,4% га ошди ($p < 0,01$). ПБ даражадаги гуруҳда ҳам мусбат самара қайд қилинди ва ижобий ўзгариш 54,5% га тенг бўлди ($p < 0,05$).

Буйраклар ва периферик артерияларнинг сурункали ишемияси мавжуд беморларда амалга оширилган стандарт ва антиоксидант даво натижасида ТЕИ кўрсаткичларида ҳам ижобий самара қайд қилинди. Масалан, 1-гуруҳ беморларда, тадқиқот бошланишдаги кўрсаткичлар даволашнинг 3-ойи билан солиштирилганда ТЕИнинг ўртача киймати 45% га ортди ($p < 0,05$). 1-гуруҳ билан таққосланганда, элфунат олган беморларда тадқиқот бошланишидан кейин 3-ой ўтгач ишончли мусбат динамика қайд этилди ($p < 0,01$). Гуруҳ доирасида ТЕИ $0,56 \pm 0,16$ дан $0,95 \pm 0,18$ гача ошди ва самарадорлик 69,6% га тенг бўлди.

Тадқиқотнинг **комбинирланган антиоксидант терапия негизида буйраклар артериялари ва периферик артерияларнинг сурункали ишемияси мавжуд беморларда буйракларнинг функционал ҳолатини баҳолаш** бобида буйрак ва периферик артерияларда стандарт терапиянинг ижобий самараси ренал функция кўрсаткичлари томонидан ҳам қайд қилинди. Оёқларнинг сурункали ишемияси мавжуд беморларда 3 ойлик стандарт терапиядан, кейинги кўрсаткичлар дастлабки маълумотлар билан солиштирилганда, қонда креатинин клиренсининг ишонарли 16,2% га ($p < 0,05$) пасайиши ва КФТ нинг 15,6% га ($p < 0,05$) ошиши аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Даволашнинг 3 ойдан кейинги динамикасида буйраклар ва периферик артерияларнинг сурункали ишемияси мавжуд беморларда буйракларнинг функционал ҳолати кўрсаткичлари (M±SD)

Кўрсаткичлар	Муддатлар	1-гуруҳ - стандарт терапия (n=60)	2-гуруҳ- (стандарт терапия +Элфунат) (n=60)
